

Туркия мусулмонлари диний етакчиси Қорабоғнинг Шуша шаҳрида азон айтди



15:00 / 29.10.2021 1159

Туркия (Диёнат) Дин ишлари бошқармаси бошлиғи Али Эрбаш Қорабоғнинг Шуша шаҳри «Гавҳар оға» юқори масжидида (Озарбайжоннинг Шуша шаҳри) азон чақирди. Бу ҳақда Туркия давлат ахборот агентлиги хабар берди.

Кейин турк делегацияси аъзолари маҳаллий диндорлар билан биргаликда намоз ўқидилар.

Туркия Дин ишлари бошқармаси бошлиғи ижтимоий тармоқдаги саҳифасида Шушадан олинган видео тасвирларга қуйидаги сўзлар билан изоҳ қолдирди: «Биз Қорабоғ қўйнида, Шуша озодлиги рамзи бўлган – Гавҳар оға юқори масжидида азон айтиш шарафига муяссар бўлдик. Аллоҳ таолодан қиёматгача бу ерларни азон садолари ва Ислом фазлидан маҳрум қилмасин, деб дуо қиламиз».